

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВА ФОТИМАҲОН МАМАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚАСАМЁД НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Хасанова Фотимахон Мамановна

Инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг қиёсий-
типологик тадқиқи 3

Хасанова Фотимахон Мамановна

Сравнительно-типологическое исследование речевого жанра клятвы
на узбекском и английском языках 25

Khasanova Fotimakhon Mamanovna

Comparative-typological study of speech genre oath in the English and
Uzbek languages 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВА ФОТИМАХОН МАМАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚАСАМЁД НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil.610 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна
филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

А. Куранбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг 50-йилларига қадар тил-нутқ дихотомиясидан ташкил топадиган нутқий фаолиятнинг тил томонигагина асосий диққат қаратилганлиги жонли нутқни ўрганишни орқа планга суриб қўйди. Натижада нутқий жараёнга боғлиқ бир қатор ҳодисалар назардан четда қолди. Шунинг учун ҳам ушбу йиллардан бошлаб илмий тадқиқот парадигмаси бирмунча ўзгарди. Тадқиқотчилар диққати бевосита тил ва нутқ тизимидаги нутқий ҳодисалар, жумладан, нутқий жанрларни ўрганишга қаратилди.

Дунё тилшунослигида нутқий жанрлар назарияси тобора оммавийлашиб бораётган ўзига хос илмий йўналиш бўлиб, бу назариянинг марказий масаласи тил тизимида нутқий жанрларнинг дифференциал белгиларини аниқлашдир. Дунёнинг кўплаб таълим муассасалари ва тадқиқот марказларида, хусусан, рус лингвистик жанр мактаби, Австралиянинг систем-функционал тилшунослик мактаби, Буюк Британиянинг амалий тилшунослик/маҳсус мақсадлар учун инглиз тили йўналиши, АҚШнинг корпус лингвистикаси ва риторик жанрлар тадқиқи марказларида нутқий жанрлар билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги глобаллашув шароитида коммуникация ва маданиятлараро мулоқотнинг тезлашуви, яқинлашуви нутқий жанрларни ўрганишга эътиборнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда давлат ҳаётининг барча соҳаларида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Адабиёт, санъат, илм-фан соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг амалиётга кенг жорий эътилишига эътибор берилмоқда. Нутқий жанрлар масаласида ўзбек бадиий адабиёти ва санъатшунослик, қолаверса, ўзбек тилшунослиги соҳаларида маҳсус тадқиқотлар¹ олиб борилган бўлса-да, шу кунга қадар ўзбек тилини нутқий жанрлар назарияси асосида бошқа тилларга қиёслаб ўрганишга жиддий эътибор қаратилмаган, ўзбек тилшунослигида қасамёднинг бой материаллари ҳали етарли даражада тўпланмаган ва қиёсий тадқиқ этилмаган. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилининг ўзига хос миллий хусусиятларини намоён этувчи қасамёд нутқий жанрини инглиз тилига қиёслаш асосида ўрганиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

¹Эшбаева Ф. Ўзбек халқ қарғишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б.26; Суванкулов Б. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 128; Айходжаева Ш. Мақом тароналари (жанр хусусиятлари, ижро анъаналари). Санъат. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 150; Қўчқоров Н. Ўзбек халқ олқишларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1994. – Б. 128; Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 314; Чиникулов Н. Пешлавҳаларнинг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 133 бет; Сулаймонов М. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 126; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. Филол. фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 2002. – Б. 136.

тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қасамёд нутқий жанрининг мураккаб табиатга эга бўлганлиги унинг турли соҳалар, жумладан, адабиётшунослик², хуқуқшунослик³, диншунослик⁴, тарих⁵ каби фан соҳаларининг ҳам тадқиқот объекти сифатида ўрганилишига сабаб бўлди.

Тилшуносликка доир илмий адабиётларда қасамёдни нутқий жанр сифатида тадқиқ этиш⁶, айниқса, лингвистикада махсус стереотип шаклдаги нутқий жанр⁷, перформатив матн⁸ сифатида ўрганиш лозимлиги алоҳида таъкидланган ва қасамёд нутқий жанри турли тизимли тиллар, асосан, араб, рус тиллари доирасида ўрганилиб, унинг социолингвистик, лингвомаданий, функционал-прагматик хусусиятларини ёритишга эътибор қаратилган. Рус олимлари А.В.Сидоренко болалар қасамёдини, О.Абраменко рус лўлилари нутқидаги қасамёдларни, Т.Г.Рабенко ва А.В.Карабиковлар қасамёд нутқий жанрининг диний-тарихий кўринишларини тадқиқ этганлар. Н.Ш.Галямова қасамёдни лингвомаданий, функционал-прагматик аспектда, З.Сиразиева соҳавий қасамёдларни прагмалингвистик аспектда, Х.Альмутлақ эса араб тилидаги қасамёдларни социолингвистик аспектда ўрганган⁹.

²Семенкин А.К. Проблема романтического историзма в романе Н.А.Полевого «Клятва при гробе господнем». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2016. – С. 24.

³Русакова Н.Г. Присяга как общеправовой феномен. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2008. – С. 33.

⁴Steuer S. Widows and religious vocation: Options and decisions in the Medieval Province of York, A Thesis submitted to the faculty of the graduate school of the university of Minnesota, in partial fulfillment of the requirements for the degree of philosophy. – May, 2001. – P. 270.

⁵Gray J.M. So help me God: Oaths and the English reformation. A Dissertation submitted to the department of history and the committee on graduate studies of Stanford University in partial fulfillment of the requirements for the degree of philosophy. – USA, 2008. – P. 600.

⁶Кибрик А.А. Модус, жанр, и другие параметры классификации дискурсов // Вопросы языкознания №2 – Москва, 1999. – С. 11.

⁷Kuiper K. Formulaic Genres. – Palgrave Macmillan UK, 2009. – P. 223.

⁸Шейгал Е.И. Инаугурационное обращение как жанр политического дискурса // Жанр речи № 3. – Саратов, 2002. – С. 205-214.

⁹Сидоренко А.В. Детская клятва в советскую эпоху: речевые характеристики // Жанры речи №2. – Саратов, 2016. – С. 72-78; Абраменко О. Клятвы и проклятия в речевой практике русских цыган // Архив Петербургской русистики. К 60-летию Павла Анатольевича Клубкова. Интернет ресурс: <http://ruthenia.ru/apr/texts/klubkov60/abramenko.html> Дата обращения: 13.12.2018; Сиразиева З.Н. Клятва как речевой жанр в русскоязычной лингвокультурах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2012. – С. 25; Рабенко Т.Г. Клятва как фидеистический речевой жанр // Вестник Челябинского государственного университета. № 13 (194) Филология. Искусствоведение. Вып. 43. – Челябинск, 2010. – С. 122-126; Huseyn Almutlaq. A sociolinguistic study of terms of Oaths in Jordanian Arabic // International journal of Humanities and social science. Vol. 3. № 21. – USA, 2013. – P. 225-228; Карабыков А.В. Речевой жанр клятвы в истории культуры // Изменяющаяся Россия: новые парадигмы и новые решения в лингвистике: материалы Междунар. науч. Конф. Ч. 3. – Кемерово, 2006. – С. 226-231.

Қасамёд нутқий жанрининг диний шаклларига эътиборини қаратган Т.Г. Рабенконинг қайд этишича, фидеик коммуникация билан боғлиқ нутқий жанрлар орасида мазкур жанр асосий ўринни эгаллайди. Қасамёд нутқий жанрининг қаторини моҳиятан бир-бирига жуда яқин бўлган рус тилидаги *божба*, яъни худонинг номи билан қасам ичмоқ, *зарок*, яъни бирор нарсани қилмасликка ваъда бериш, онг ичиш каби бир қатор жанрий шакллар билан ҳам тўлдириш мумкин. Шу жиҳатларига кўра рус тилидаги *божба*, *зарок*, *обет*, *присяга* кабиларни қасамёд нутқий жанрининг алоҳида кўринишлари (поджанр) деб ҳисоблаш мумкин¹⁰.

«Ваъда, қасамёд» нутқий ҳаракатларини қиёслаб ўрганган Н.Ш.Галямова бу икки нутқий ҳаракатнинг саккизта асосий хусусиятини қайд қилади. Булар адресат ва адресант омили, сўзловчи ва адресат мақоми, масъуллик даражаси, жумланинг мустақиллиги (дискурснинг бошқа қисмлари билан боғланганлиги), новербал хусусиятлари, оғзаки ва ёзма шакллардан фойдаланиш, интенсивлик даражасидир¹¹. Бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, «ваъда, қасамёд» нутқий ҳаракатининг лингвомаданий, функционал-прагматик аспектларини ўрганган олима қасамёдни барқарор фразеологик бирлик сифатида намоён бўлувчи, қолиплаган тил бирлиги деб баҳолайди. З.Сиразиева қасамёд нутқий жанрини рус ва инглиз лингвомаданиятида фидеик коммуникация билан боғлиқ нутқий жанр сифатида тадқиқ қилади. Бу тадқиқотда рус ва инглиз тили тизимидаги қасамёд нутқий жанрини семантик, синтактик ва функционал-прагматик аспектларда қиёсий текшириш асосий мақсад қилиб олинган¹².

Ушбу муаллифларнинг тадқиқотларида қасамёд нутқий жанри, асосан, диний, тарихий, лингвомаданий, функционал-прагматик аспектларда текширилган, лекин инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд нутқий жанрини қиёслаш асосида ўрганилмаган. Айниқса, қасамёднинг соҳавий, диний ва сўзлашув услубига оид турлари ушбу нутқий жанр доирасида жамланиб, қиёсий-типологик тадқиқ этилмаган. Мавжуд манбаларда қасамёд нутқий жанрини инглиз ва ўзбек тилларида қиёслаб ўрганишга бағишланган лингвистик тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги мазкур ишнинг янги тадқиқот эканлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси билан боғлиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёдларнинг жанр шакллари мавзу гуруҳлари, уларнинг матний тузилишидаги миллий хусусиятларни аниқлаш ва қиёслашдан иборат.

¹⁰Рабенько Т.Г. Клятва как фидеистический речевой жанр // Вестник Челябинского государственного университета. №13 (194). Филология. Искусствоведение. Вып. 43. – Челябинск, 2010. – С. 122-126.

¹¹Галямова Н.Ш. Речевой акт «обещание, клятва» в русской языковой картине мира: лингвокультурологический, функционально-прагматический аспекты // Язык и культура. №3. 2010. – С. 16-32.

¹²Сиразиева З.Н. Клятва как речевой жанр в русскоязычной лингвокультурах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2012. – С. 25.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қасамёд нутқий жанрини лексик-семантик майдон нуктаи назаридан компонент таҳлил қилиш;

аҳд, ваъда, ишонтириш нутқий ҳаракатлари мавжуд қасамёд матнларидаги лисоний ва нолисоний воситаларни аниқлаш;

қасамёд нутқий жанри типларини аниқлаш ва мавзуий гуруҳларга таснифлаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги соҳавий, диний, сўзлашув услубига хос қасамёдларнинг шаклий-композицион тузилишидаги миллий хусусиятларни очиб бериш;

инглиз тилидаги қасамёд матнларининг ўзбек тилидаги қасамёд матнларидан расмий ёзма қасамёд, диний лавозим қасамёд, гиперматн хажмидаги қасамёд ҳамда соҳавий қасамёдга хос нодиний шакл (affirmation)нинг мавжудлиги билан фарқланишини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд матнлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд матнларининг шаклий-композицион тузилиши ва миллий-маданий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-типологик, контрастив ҳамда компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг лексик-семантик майдонида ваъда нутқий ҳаракатида шахслараро келишув, ўз зиммасига бирор вазифа олиш, аҳд нутқий ҳаракатида қатъий аҳд қилиш, ишонтириш нутқий ҳаракатида эса ўз сўзлари, хатти-ҳаракатларининг ҳақиқат эканлигини тасдиқлаш, ҳақиқатга гувоҳлик бериш (бирор воқеа-ҳодисанинг рост ёки ёлғонлигини тасдиқлаш) кабилар мавжудлиги исботланган;

аҳд, ваъда, ишонтириш нутқий ҳаракатлари мавжуд қасамёд матнлари содда гап, қўшма гап каби лисоний ва хатти-ҳаракат, имо-ишора сингари нолисоний воситалар ёрдамида акс этиши далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд нутқий жанри соҳавий, диний, сўзлашув услубига хос, удумларга асосланган, ижтимоий гуруҳ қасамёдлари каби мавзуий гуруҳларига бўлиниши исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги соҳавий, диний, сўзлашув услубларига оид қасамёдларнинг шаклий-композицион тузилишидаги лисоний ва нолисоний воситаларнинг миллий-маданий хусусиятлари аниқланган;

инглиз тилидаги қасамёд матнларининг ўзбек тилидаги қасамёд матнларидан расмий ёзма қасамёд, диний лавозим қасамёд, гиперматн хажмидаги қасамёд ҳамда соҳавий қасамёднинг диний бўлмаган шакли (affirmation)нинг мавжудлиги билан фарқланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг қиёсий-типологик тадқиқи орқали чиқарилган хулосалар нутқий жанрлар масаласида муҳим

илмий-назарий маълумотлар бериши, нутқий жанрлар назарияси, қиёсий типология, матн тилшунослиги, дискурсив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

халқаро ташкилотлар, бошқарув органлари ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотларининг давлат тилида иш юритиш ва белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий хужжатларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирган;

қасамёд нутқий жанри типларини қиёслаш масаласига оид ишларни кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида қасамёд нутқий жанри типларига йўналтирилган янги атамалар: соҳавий қасамёд, диний қасамёд, сўзлашув услубига оид қасамёд кабилар киритилган;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар нутқий жанрлар луғатини тайёрлаш ҳамда соҳавий терминларни таржима қилиш муаммоларини ҳал қилишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги диссертацияда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд нутқий жанри қиёсий-типологик тадқиқ этилган бўлиб, бу иш нутқий жанрлар назарияси, қиёсий типология, матн тилшунослиги, дискурсив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдиради ва кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги илмий хулосалар ва назарий умумлашмалардан олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида матн тилшунослиги, дискурсив тилшунослик, қиёсий типология, контрастив лингвистика, лингвомаданиятшунослик каби фанларни ўқитиш, махсус курс ва семинарлар ташкил этиш, дарслик ва қўлланмалар, икки тилли луғатлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг чоғиштира тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд нутқий жанри юзасидан берилган илмий ва назарий фикрдан А-1-126 рақамли «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 сентябрдаги 89-03-3104-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотдан ўрин олган материаллар дунё тилшунослигида тил ва нутқ бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш, шаклий-мазмуний тузилишидаги ўзига хосликларини аниқлаш бўйича маълумотлар беришда асос бўлган;

қасамёд нутқий жанрининг лингвистик воситаларига оид икки тилдаги материаллардан олинган натижалардан А-1-180 рақамли «Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 89-03-1334-сон маълумотномаси). Бу эса инглиз ва ўзбек халқлари маданияти, тили ва анъаналарига оид умумий ва хусусий нутқий вазиятларни ойдинлаштиришга, таржима жараёнидаги лексик-семантик, лексик-стилистик, композицион, услубий ва лингвомаданий хусусиятларга оид муаммоларни аниқлашга хизмат қилган;

қасамёдларнинг коммуникация жараёнида тутган ўрни, инглиз ва ўзбек тилларида қасамёдларнинг аҳамияти, қасамёд нутқий жанрининг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш ҳақидаги хулосалардан Андижон телерадиокомпаниясининг «Замондош», «Ёшлар вақти», «Бугуннинг ёшлари», «Таълим ва ислоҳат» ҳамда «Муносабат» эшиттиришларининг сценарийсини тузишда фойдаланилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 апрелдаги 20-24/266-сон маълумотномаси). Натижа ва материаллар эфирга узатилган эшиттиришларни тайёрлашда ва уларнинг мазмун-моҳиятини бойитишда манба бўлиб хизмат қилган;

қасамёд нутқий жанрининг мавзуй таснифланиши, икки тилга оид қасамёд матнларида миллий ва фарқли хусусиятларнинг акс этиши, қасамёд нутқий жанрининг лексик-семантик майдони каби илмий-назарий хулосалар Кореядаги Осиё маданияти ва тараққиёти институти томонидан чоп этилган «Korean-Uzbek-English» луғатини тузишда фойдаланилган (Осиё маданияти ва тараққиёти институтининг 2019 йил 10 сентябрдаги 19-211-сон маълумотномаси). Натижада луғатнинг ўзбекча сўзларга бериладиган лексикографик изоҳлари мукамаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 151 саҳифадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Нутқий жанрлар концепцияси ва таснифи тамойиллари**» деб номланади. Унда нутқий жанрлар концепцияси назарий талқин этилиб, унинг тил тизимидаги ўзига хос ўрни, барқарор нутқий бутунликларни ўрганувчи мустақил илмий лингвистик йўналиш эканлиги тадқиқ этилган. Шунингдек, нутқий жанрнинг нутқий коммуникацияда тутган ўрни белгиланган ва нутқий жанрларнинг таснифи берилган.

Ишда нутқий жанрлар назарияси ривожда рус лингвистик жанр мактаби (Россия), Сидней систем-функционал (Австралия) мактаби, тарихий корпус (АҚШ) лингвистикаси, амалий тилшунослик/маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган инглиз тили (АҚШ, Буюк Британия), риторик жанр тадқиқотлари (Канада, АҚШ) нинг алоҳида аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек, дунё тилшунослигида лингвистик, риторик, социал тадқиқотлар таъсирида ёки ушбу тадқиқотларнинг синтези ёхуд у ёки бу мазмунда ушбу илмий йўналишлар олға сурган ғояларни тарғиб этувчи бир қатор хорижий илмий мактаблар (Бразилия, Франция, Швеция, Даниянинг Копенгаген илмий мактаблари) ва уларнинг ўзига хос усуллари таҳлил этилган.

Нутқий жанрлар тадқиқида юзага келган илмий йўналишларнинг умумий жиҳатлари нутқий жанрни белгилашнинг дастлабки элементлари сифатида коммуникатив мақсад ва нутқий жанр яхлитлиги, бутунлиги, тугаллиги ҳақидаги илмий қарашларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Фарқли хусусиятлари эса тадқиқотчиларнинг нутқий жанр ва уни ташкил қилувчи элементларга бўлган муносабатларнинг (лингвистик, социологик, риторик каби) турлича эканлиги билан изоҳланади. Масалан, баъзи илмий тадқиқотларда нутқий жанрни аниқлаш ва ўрганишда лингвистик нуқтаи назар устунлик қилса, айрим тадқиқотларда нутқий жанрни риторик ёки социал хусусиятлари асосида ўрганиш биринчи ўринга қўйилади.

XXI асрга келиб жанр тушунчасининг мазмуни кенгайди. У нутқий системага тегишли асосий тушунча сифатидаги мазмун билан бойиди ва ўзига хос тарихий тараққиётга эга бўлди. Унинг мазмун-моҳияти ўзгаришини, асосан, тилшунослик нуқтаи назаридан шартли равишда икки даврга ажратиш мумкин. Жанр тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмигача фольклор, риторик, амалий санъат, кино ва адабий турларни атаган давр ва XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб тилшунослик соҳасига оид нутқий жанрларни ифодалай бошлаган давр. Кейинги даврларни тарихий ва замонавий талқин этиш босқичи дейиш мумкин.

Демак, жанр тушунчасининг мазмуний такомилида ана шу икки давр муҳим (1.1.1-расмга қаранг)



1.1.1-расм. Жанр тушунчасининг мазмуний такомил даврлари

Табиийки, лингвистик тадқиқотларда жанр тушунчасининг замонавий талқинига мурожаат қилинади. Тилшунослик соҳасида XX асрнинг иккинчи ярмидан нутқий жанрларни ўрганишга бўлган қизиқиш туфайли, В.Дементьев таъбири билан айтганда, тил ва нутқ орасида сайқалланиб ҳосил бўлувчи олий сатҳдаги бирлик¹³ сифатида эътироф этилаётган жанр тушунчаси XXI асрга келиб шу қадар жадал суръатларда ривожландики, натижада оддий тушунчадан мустақил илмий назария даражасига кўтарилди. Бу эса тилшуносликда нутқий жанрлар назариясининг янги, мустақил лингвистик йўналиш сифатида қарор топганлигини билдиради.

Нутқий жанрлар назариясида рус жанршунослиги ҳам ўзига хос илмий мактаб сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Рус тилшунослигида нутқий жанрлар назариясининг дастлабки ривожланиш даврлари бевосита М.Бахтин ва А.Вежбицкая фаолияти билан боғлиқ. М.Бахтин фақат адабиётшуносликдагина амалда бўлган жанр тушунчасини тилшуносликка ҳам татбиқ қилди ва *нутқий жанр* тушунчасини олиб кирди. Унинг фикрича, нутқий жанрлар сўзловчи томонидан нутққа тайёр ҳолда олиб кирилади. У она тили каби олдинги авлоддан мерос бўлиб ўтади¹⁴.

XXI аср ўзбек тилшунослигида ҳам нутқий жанрларга маълум даражада лингвистик ёндошилган тадқиқотлар яратилди¹⁵. Хусусан, Н.Чиниқулов

¹³Дементьев В.В. Теория речевых жанров (Коммуникативные стратегии культуры). – М.: Знак, 2010. – С. 584.

¹⁴Бахтин М.М. Проблема речевых жанров. Литературно-критические статьи. – Москва.: Художественная литература, 1986. – С. 428-472.

¹⁵Чиниқулов Н. Пешлавҳаларнинг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 133; Сулаймонов М. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 126; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. Филол. фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 2002. – Б. 136; Жўраев Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрнинг тил ва услубий хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б. 150; Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 291; Хожиялиев И. Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 1998. – Б. 146 ва б.

томонидан ўзбек тилида пешлавҳаларнинг тарихий тараққиёти ва шаклланиши, пешлавҳаларни вужудга келтирувчи омиллар, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари ўрганилди¹⁶. М.Сулаймоновнинг изланишида ўзбек тилидаги дастхатлар социолингвистик аспектда тадқиқ этилди¹⁷. Т.Жўраевнинг тадқиқотида ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрнинг тил ва услубий хусусиятлари¹⁸, А.Абдусайидовнинг изланишларида газета жанрларининг тил хусусиятлари ўрганилди¹⁹.

Мазкур тадқиқотларда пешлавҳа, дастхат, газета жанрлари, хат (эпистоляр), тасвир нутқ типи кабиларнинг ўрганилишида асосан, нутқий жанр термини ишлатилмаса-да, алоҳида мустақил матн сифатида лингвистик объект эканлиги исботланган, нутқий жанрнинг морфосинтактик, лексик-грамматик хусусиятларини аниқлашга диққат қаратилган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ўзбек тилшунослигида ҳам коммуникатив мақсад, композиция, услубга эга лингвистик матнларни ўрганишда уни нутқий жанр сифатида номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бобнинг «Нутқий жанрларнинг коммуникация жараёнидаги ўрни» деб номланган иккинчи бўлимида нутқий фаолиятнинг асосини нутқий мулоқот ташкил қилиши, нутқий мулоқотнинг сўзловчи ва тингловчи ўртасида юзага келиши ва муайян нутқий фаолиятни амалга ошириш давомида сўзловчи баён қилмоқчи бўлган фикрнинг тингловчига муайян нутқий жанр қолипида етказиши очиб берилган. Масалан, туғилган кун билан табриклаш мақсадида сўзловчи махсус қолипдаги нутқий бутунликка мурожаат қилади. Туғилган кун билан табриклаш инглиз тилида *Happy birthday!*, рус тилида *С днём рождения!*, ўзбек тилида *Туғилган кунингиз билан табриклайман!* тарзидаги махсус қолипланган нутқий бутунлик орқали, яъни табрик нутқий жанри орқали ифодаланган. Ишда бундай нутқий бутунликларнинг ўзига хос мазмуний-композицион тузилиш ва ўз лисоний бирликларига эга яхлит матн эканлиги асосланган.

Шунингдек, нутқий жанрни тартиблаштирувчи ва қолипга келтирувчи унинг асосий элементи, яъни композицияси тадқиқ этилган. Композицион тузилмага эга нутқий жанрларнинг турғун ва эркин композицион қурилиши, уларнинг турлари (турғун композицияли нутқий жанрларга *маълумотнома, ариза, гувоҳнома* кабилар, эркин композицияли нутқий жанрларга *хат, ишио, очерк, романлар* мисол бўлади) ўрганилган. Нутқий жанр композициясида яхлит бутунликни жипслаштирувчи воситалар сифатида нутқий мақсад, композиция ва услуб белгиланган.

Мазкур бобнинг «Нутқий жанрлар таснифи» бўлимида нутқий жанрларнинг инсон фаолияти билан боғлиқликда юзага келиши, шунга мувофиқ уларнинг турли жабҳаларга кўра таснифланиши, ўз навбатида, уларнинг ички субжанрларга ажралиши аниқланган. Нутқий жанрларни

¹⁶Чиникулов Н. Пешлавҳаларнинг лисоний хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 133.

¹⁷Сулаймонов М. Ўзбек тилидаги дастхатларнинг социолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 126.

¹⁸Жўраев Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрнинг тил ва услубий хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.150.

¹⁹Абдусайидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 291.

таснифлаш борасида антиномиялар ва ушбу антиномиялар асосида юзага келган мураккаб таснифлаш усуллари таҳлил этилган.

Фанда М.М.Бахтин таснифи оммабоп тасниф сифатида кенг тарқалган бўлиб, у таснифлаш антиномияларининг генезиси бўлиб хизмат қилади. М.М.Бахтин оғзаки ва ёзма, монологик ва диалогик, бирламчи ва иккиламчи нутқий жанрларни фарқлайди.²⁰ Айниқса, унинг бирламчи ва иккиламчи нутқий жанрлар ҳақидаги ғояларидан хануз нутқий жанрлар назариясида фойдаланиб келинади. Олим илгари сурган бирламчи ва иккиламчи нутқий жанрлар ҳатто ҳозир ҳам соҳанинг фаол тушунчаларидандир. Таъкидлаш жоизки, нутқий жанрлар назариясида бирламчи нутқий жанрлар деганда, бевосита мулоқот давомида юзага келувчи нутқий жанрлар, иккиламчи нутқий жанрлар деганда, юқори ривожланган маданий коммуникация жараёнида, масалан, илмий, административ-ҳуқуқий, сиёсий-мафкуравий, бадиий, диний (роман, драма, илмий тадқиқотлар ва ҳоказо) жараёнларда юзага келувчи нутқий жанрлар тушунилади²¹.

Таъкидлаш лозимки, нутқий жанрларнинг кўплаб таснифлари мавжудлигига қарамай, уларнинг бир-бирига тўла мос келадигани йўқ. Нутқий жанрларнинг ягона таснифи мавжуд эмаслиги уларнинг нутқ тизимида алоҳида, батафсил, тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатади. Демак, нутқий жанрнинг ягона тасниф тамойилларини ишлаб чиқиш учун, аввало, нутқий жанрнинг лингвистик табиатини чуқур тадқиқ қилиш зарур. Нутқий жанрларнинг мукамал таснифини яратиш учун уларнинг лингвистик хусусиятини ўрганиш айти муддао бўлади.

Тадқиқотнинг «**Қасамёд нутқий жанри – универсал лингвистик ҳодиса**» деб номланган иккинчи бобида қасамёд нутқий жанрининг моҳияти, қасамёд нутқий жанрига оид нутқий ҳаракатлар, қасамёд индикаторлари, қасамёд нутқий жанрининг лексик-семантик майдони, мавзуй гуруҳлари ва миллий-маданий хусусиятлари очиқ берилган. Қасамёд нутқий жанри тадқиқида ҳозирги инглиз ва ўзбек адабий тилларидаги мазмунан аҳд, ваъда, ишонтириш нутқий ҳаракатларини ифодаловчи *oath*, *vow*, *swear* ҳамда *қасамёд*, *қасам*, *онт* сўзлари ўзаро синонимлар сифатида танланган. Уларнинг қўлланиш функциялари ва маъно нозикликлари очиқ берилган.

Қасамёд нутқий жанри барча тилларга хос нутқ шакли бўлиб, у қайси тилда ифодаланмасин, аҳд, ваъда, ишонтириш нутқий ҳаракатларидан иборат бўлади ва бу нутқий ҳаракатлар маълум матнни жанр даражасига кўтариш вазифасини бажаради. Мазкур нутқий жанрда аҳд, ваъда, ишонтириш нутқий ҳаракатлари марказий ўринни эгаллайди:

²⁰Бахтин М.М. Проблема речевых жанров. Литературно-критические статьи. – Москва.: Художественная литература, 1986. – С. 428-472.

²¹Бахтин М.М. Проблема речевых жанров. Литературно-критические статьи. – Москва.: Художественная литература, 1986. – С. 428-472; Федосюк М.Ю. Нерешенные вопросы теории речевых жанров // Вопросы языкознания. – Москва, 1997. – С. 104.



Диссертацияда қасамёд нутқий жанри турларининг ташкилий-композицион тузилиши маросимийлик хусусиятига кўра иккига ажралиши кўрсатилган. 1-усул: тантанали расмий қасамёдлар. Бунда ташкилий-композицион тузилиш кириш, асосий қисм, якуний босқичлардан ташкил топади. Масалан, инглиз лингвомаданиятида тож қасамёди махсус дабдабали, тантанали расмий диний маросим саналади. Ушбу маросим инглиз анъанасига кўра олти босқичдан иборат: 1) recognition (диний жамоа томонидан тан олиниш жараёни); 2) the oath (қасамёд жараёни); 3) the anointing (мой суркаш жараёни); 4) the investiture (includes crowning-тож кийдириш жараёни); 5) the enthronement (тахтга ўтқозиш жараёни); 6) homage (қироличага таъзим қилиш жараёни)²².

2-усул: оддий қасамёдлар. Бунда ҳеч қандай тантанаворлик, маросимийлик, ритуаллик бўлмади. Унинг кириш қисмида қасамёд нутқий жанрининг туғилиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ривож, тафсилотлар берилади. Ҳ сўзловчининг амалий ижроси асосий қисм сифатида намоён бўлади. Бундай қасамёдлар эса кўпроқ кундалик сўзлашув нутқида учрайди.

Ишда ҳар икки тил тизимида қасамёд матни доим мазмунан икки таркибий қисм – модус ва диктумдан иборат эканлиги асосланган. Инглиз тилида: «*By God! (модус), dear Gino, the felucca is empty (диктум).* (J.F. Cooper. Bravo, 13) – *Худо ҳаққи, Жаноб Гино, фелюга бўм бўш.*

Ўзбек тилида:

Агар сендан тонар бўлсам (диктум),

Насибам оху зор бўлсин

Мозорим кулга айлансин (модус). (Т.Малик. Талваса, 331).

Қасамёд нутқий жанрининг диктум қисми сўзловчининг бирор иш бажарилишини вазифа қилиб белгилаши, яъни аҳд қилиши, ваъда бериши ёки бирор иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг рост ёки ёлғон эканлигини тасдиқлашни билдиради. Модус қисм эса қасамёднинг энг муҳим қисми сифатида сўзлар, баъзан паралингвистик воситалар орқали ҳам воқеланиши мумкин. Модус қисми шартли равишда қасамёд нутқий жанрининг *индикатори* дейиш мумкин. Демак, *қасамёд индикатори бу* – қасамёд матнида фаол иштирок этувчи асосий қисм бўлиб, кўпинча лисоний ва нолисоний воситалар, баъзан психоллингвистик омиллар (сўзловчининг руҳий-ижтимоий ҳолати) орқали ҳам ифода топади:

²²Coronation oath of Elizabeth II. Electronic resource: <https://www.royal.uk/coronation-oath-2-june-1953> Access date: 13.12. 2018.

а) қасамёд индикаторларининг лисоний воситалар (гаплар, матн) орқали ифодаланиши. Масалан, ўзбек тилида *худо ҳаққи, ўғил болача гап, нон урсин* каби; инглиз тилида *on my oath, by God, honest to God* кабилар қасамёднинг лисоний индикаторлари ҳисобланади;

б) қасамёд индикаторларининг паралингвистик воситалар орқали ифодаланиши. Бундай хатти-ҳаракатлар мазмунида муқаддас нарсаларни гувоҳликка чақириш тушунилади. Буларга муқаддас китобни ёки буюмларни бошига теккизиш ёки уни ушлаш орқали, юзни қиблага қаратиб, Қуръон, нон, тузни ушлаб, дастурхон олдида гапириш, фотиҳа тортиш, қон чиқариш кабиларни мисол қилиш мумкин. Бу каби индикаторлар қасамёд нутқий жанрида энг асосий қисм ҳисобланиб, гапнинг боши, ўртаси ёки охирида келиши мумкин. Қасамёд индикаторлари яқка келганда ҳеч қандай мазмун билдирмайди. Шунини ҳам айтиш керакки, қасамёд нутқий жанри индикаторлари даврлар ўтиб эскириши ёки янгиланиши мумкин.

Ушбу бобнинг «Қасамёд нутқий жанрининг мавзуий таснифи» деб номланган бўлимида қасамёд нутқий жанрининг турлари аниқланиб, мавзуий гуруҳларга таснифланган. Инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг типологик таснифи қуйидагича келтирилди: 1) инсоннинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ (чўқинтириш, никоҳ каби) ва касбий (лавозим, унвон каби) қасамёдлар; 2) тарихий ва замонавий қасамёдлар; 3) маросимийлик нуқтаи назаридан оддий (сўзлашув услуби) ва тантанали (расмий, диний услуб) қасамёдлар; 4) индивидуал ва жамоавий қасамёдлар; 5) ритуал (президент, суд иштирокчилари қасамёдлари) ва ритуал бўлмаган қасамёдлар (сўзлашув услуби қасамёдлари); 6) қасамёд типларининг диний ва диний бўлмаган шакллари (тасдиқлаш шаклидаги); 7) умумий (президент, аскар қасамёди) ва хусусий (фуқаролик, чўқинтириш, нон синдириш) қасамёдлар, 8) лисоний (сўзлар орқали матн кўринишидаги) ва нолисоний (паралингвистик воситалар) қасамёдлар; 9) монологик, диалогик ва полилогик нутққа оид қасамёдлар; 10) бирламчи ва иккиламчи қасамёдлар, 11) қасамёд матни семантикасига кўра: аҳд, ваъда, ишонтириш нутқий ҳаракатларига асосланган қасамёдлар); 12) оғзаки ва ёзма қасамёдлар; 13) ички (қасос билан боғлиқ қасамёдлар) ва ташқи нутқ (расмий, диний каби) орқали ифодаланувчи қасамёдлар; 14) индивидуал ва ижтимоий гуруҳ қасамёдлари.

Диссертацияда қасамёд нутқий жанрининг таснифи масаласида, энг аввало, қасамёднинг қайси тилда ифодаланаётгани, танланган тилга мансуб сўзлашувчи халқнинг миллий-маданий қарашлари ва диний эътиқоди, мамлакатдаги давлат тузумига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, ўзбек лингвомаданиятида расмий қасамёдлар ички қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида Президент қасамёди Конституцияда белгиланганлиги сабабли Президент Ўзбекистон халқи олдида расмий ва тантанали қасамёд қилади. Лекин Бирлашган Қиролликда қироличанинг ўз халқига берган расмий қасамёди соф диний руҳда ўтади. Ҳатто унинг матни ҳам диалогик матн кўринишида бўлиб, епископ ва қироличанинг савол-жавобидан иборат. Ўзбекистонда диний уламолар учун махсус қасамёдлар мавжуд эмас. Шунини айтиш керакки, муайян соҳалардаги

қасамёдлар, жумладан, суд соҳасида судья қасамёди, тиббиётда шифокор қасамёди, ҳамшира қасамёди, таълим соҳасида ўқитувчи ва талабалар қасамёди, ҳуқуқшунослик соҳасида юрист, ички ишлар соҳасидаги ички ишлар ходимлари, жамоавий тарзда ўтказилувчи мусобақалар, жумладан, спорт соҳасидаги ҳакамлар, мусобақа иштирокчилари, спорт жамоалари қасамёдлари мавжуд бўлиб, улар белгиланган тартиб-қоидалар асосида, расмий шаклда тантанали тарзда ўтказилади.

Бобнинг «Қасамёд нутқий жанрининг миллий-маданий хусусиятлари» бўлими қасамёд нутқий жанрини шакллантирадиган лисоний ва нолисоний воситаларнинг миллий-маданий хусусиятлари тадқиқига бағишланган. Шунингдек, қасамёд нутқий жанрини ўрганишнинг тарихийлик ва замонавийлик тамойиллари кўрсатиб берилган. Қайд этилганлар билан бирга, ишда инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд нутқий жанри тарихий, диний-фалсафий, сиёсий, фольклор, социал, гендер, психологик, бадиий ва паралингвистик хусусиятлар асосида комплекс тадқиқ этилиб, бу жанрнинг лингвистик табиати, миллий-маданий хусусиятлари очиқ берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги қасамёд матнларининг шаклий-композицион тузилиши**» деб номланади. Мазкур бобда инглиз ва ўзбек тилларидаги соҳавий, диний ва сўзлашув услубига оид қасамёд матнларининг шаклий-композицион тузилиши, икки тилдаги қасамёд матнларининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Маълумки, инглиз лингвомаданиятида соҳавий қасамёдлар²³ мазмуни, асосан, расмий ваъда тарзида бўлади. Лавозим қасамёди «*Oath of Office*»²⁴ деб номланиб, одатда, давлат ҳокимияти ҳамда диний ташкилотларда лавозим ёки муайян вазифани бажаришдан олдин қабул қилинадиган қасамёд туридир. Бундай қасамёдлар кўпинча Бирлашган Қироллик ҳудудидаги давлат ва диний идоралар, ташкилотларда фаолият бошлаётган ҳар қандай шахсдан талаб қилинади. Соҳавий қасамёднинг яна бир тури содиқлик ҳақидаги қасамёд, яъни *The Oath of Allegiance*²⁵ бўлиб, унинг мазмунида Бирлашган Қиролликдаги давлат хизматчилари ва фуқароликка янги қабул қилинаётганлар томонидан Британия монархияси, унинг меросхўрлари ва ворисларига содиқ бўлишга ваъда бериш ётади.

Соҳавий қасамёд сирасига кирадиган лавозим қасамёдининг матний тузилиши монологик шаклда бўлиб, сўзловчи уни оғзаки ва ёзма тарзда баён қилади. Унинг матний композицион тузилиши уч босқичли таҳлилда куйидагича бўлади:

I-босқич: шакллантирувчи: *I ... swear by Almighty God*

II-босқич: ривожлантирувчи: *that in the office of Lord High Chancellor of Great Britain I will respect the rule of law, defend the independence of the judiciary*

²³Ушбу бобда инглиз тилида соҳавий қасамёд матни композицион тузилишини лингвистик тадқиқ этиш мақсадида лавозим (Oath of Office) ва содиқлик ҳақидаги қасамёд (Oath of Allegiance) олинган.

²⁴Oath of Office. Электрон ресурс: https://en.wikipedia.org/wiki/Oath_of_office Access date: 13.12. 2018.

²⁵Oath of Allegiance. Электрон ресурс: [https://en.wikipedia.org/wiki/Oath_of_Allegiance_\(United_Kingdom\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Oath_of_Allegiance_(United_Kingdom)) Access date: 13.12.2018.

and discharge my duty to ensure the provision of resources for the efficient and effective support of the courts for which I am responsible.

III-босқич: тугалланма: *So help me God*²⁶.

Уч босқичли матн монологик кўринишда микроматн шаклида бўлиб, унинг шакллантирувчи қисми гапнинг модуси ҳисобланади. Унда адресант кўрсаткичи *I – мен* олмоши орқали ифодаланади, ушбу олмошдан сўнг сўзловчи исми-шарифини тўлиқ келтиради, *swear by Almighty God* жумласи эса сўзловчи нутқида эътиқодни кўрсатувчи махсус эътиқодий индикатор ҳисобланади.

Иккинчи, яъни ривожлантирувчи босқич гапнинг диктум қисмига тўғри келади ва унда, асосан, адресант учун келажакда муайян вазифанинг белгиланиши ёритилади. Ушбу босқичда икки муҳим жиҳат бор. Биринчиси – бевосита матний адресатлар, иккинчиси эса сўзловчининг шу ондан эътиборан фаолиятини қаерда давом эттириши ва ўз лавозимиغا киришаётганлигига ишора.

Учинчи, яъни тугалланма босқичи соҳавий қасамёднинг яқунланаётганидан дарак беради. Бунда адресант у ёки бу кўринишдаги яқунловчи гапни айтади. Масалан, ушбу матнда *So help me God* гапининг киритилиши билан лавозим қасамёди ўз якунини топади. Шуни айтиш керакки, ушбу тугалланма босқичда иштирок этувчи *So help me God* жумласи расмий қасамёдларнинг эътиқодий индикатори саналади. Аслида, бу қисм модус қисмининг мазмуний давомидир.

Диссертацияда инглиз тилидаги «Coronation Oath», «Oath of due Obedience» ва «Marriage vow» сингари расмий-диний қасамёд турлари, уларнинг мазмуний ва матний тузилиши таҳлилга тортилган. Бинобарин, расмий-диний қасамёдлар мазмуни, асосан, расмий-диний ваъда ва аҳдни англатади. Қироличанинг давлат бошқарувига расмий киришиши мазмунини англатувчи «Coronation Oath», – тож қасамёди мазмунан расмий ваъдадир. Бу қасамёд типично маросимий хусусиятларига кўра соф диний-расмий услубда ижро этилади. Диний қасамёднинг «Oath of due Obedience» тури эса инглиз черковида ўтказилувчи, шу билан бирга, моҳиятида черков маъмуриятидаги лавозимга киришишни англатувчи қасамёд сифатида шаклланган. «Marriage vow», яъни никоҳ қасамёди диний услубда икки сўзловчининг бир-бирига берган расмий ваъдаси ва аҳдини уйғунлаштирган қасамёд туридир.

Ушбу бобнинг «Ўзбек тилида қасамёд матнларининг тузилиши» бўлимида соҳавий қасамёд (ҳарбий қасамёд, нотариус қасамёди), диний қасамёд (никоҳ қасамёди (аҳди)) ва сўзлашув услубига оид қасамёд матнларининг композицион тузилиши ўрганилган.

Ўзбек тилида соҳавий қасамёднинг алоҳида қасамёдлар тўплами кўринишидаги махсус ҳужжат мавжуд эмас. Ҳар бир расмий соҳадаги қасамёд шу соҳага тегишли махсус Қонунларда ифода топади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасида: «Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган

²⁶<https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2005/4/section/17>.

пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади»²⁷, – деб ёзилган. Расмий-сиёсий қасамёдлар, жумладан, судья²⁸, нотариус²⁹ қасамёдлари ушбу соҳага тегишли махсус Қонунларда муайян моддалар орқали баён қилинган. Ўзбек тилидаги соҳавий қасамёдлар, жумладан, расмий-сиёсий қасамёдлардаги сўзлар бошқа ҳеч қандай сўзлар (диний, диний бўлмаган) билан тенглаштирилмайди ва алмаштирилмайди.

Ўзбек тилидаги соҳавий қасамёдлар ритуал маросимийлик хусусияти билан алоҳида аҳамиятга эга. Улар монологик-индивидуал ёки монологик-жамоавий тарзда ижро этилади. Монологик-жамоавий тарзда ижро этилиши спорт мусобақаларида ёрқин намоён бўлади. Соҳавий қасамёдлар таркибидаги лавозим қасамёдининг матний тузилиши монологик шаклда бўлиб, сўзловчи нутқида оғзаки баён қилинади. Масалан, ҳарбий қасамёд матнининг композицион тузилиши уч: шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва тугалланма босқичлардан таркиб топади:

I шакллантирувчи босқич: *Мен Ўзбекистон Қуролли кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга*

